



ORIENTAL JOURNAL OF ECONOMICS, FINANCE AND MANAGEMENT

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojefm>

THE “IRON NOTEBOOK”, “WOMEN’S NOTEBOOK”, AND “YOUTH NOTEBOOK” SYSTEM: AN IMPORTANT FACTOR IN SOCIAL SUPPORT AND POVERTY REDUCTION

Kholida Sultonova

Teacher

Tashkent State Medical University

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Iron Notebook, Women’s Notebook, social protection.

Received: 03.10.25**Accepted:** 04.10.25**Published:** 05.10.25

Abstract: The systems of the “Iron Notebook,” “Women’s Notebook,” and “Youth Notebook” make it possible to identify the needs of vulnerable groups and direct appropriate resources to them in the implementation of social support. Based on the title of this article, the specific functions, objectives, and practical aspects of each notebook are examined, including improving career skills in workplaces and expanding access to services such as healthcare, housing, education, and social librarianship. It is possible to reduce the risk of social exclusion by combating inequality, strengthening information and financial support systems, and expanding social coverage. Research demonstrates the effectiveness of these notebooks.

“ТЕМИР ДАФТАР”, “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ВА “ЁШЛАР ДАФТАРИ” ТИЗИМИ: ИЖТИМОЙ КЎМАК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Холида Султонова

Ўқитувчи

Тошкент тиббиёт давлат университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Темир дафтар, аёллар дафтари, ижтимоий ҳимоя.

Аннотация: “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизимлари ижтимоий кўмакни амалга оширишда, кам баҳоланган қатламларнинг эҳтиёжларини аниқлаб, уларга мос воситаларни

йўналтириш имконини беради. Ушбу мақола номидан келиб чикиб, ҳар бир дафтарнинг ўзига хос вазифалари, мақсадлари ва амалий нуқталари кўриб чиқилган: иш жойларидаги карьера кўникмаларини ошириш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, маориф ва ижтимоий кутубхоначилик каби хизматларга кириш имкониятларини кенгайтириш. Жамиятда тенгсизликка қарши курашиш, маълумот ва молиявий қўллаб-қувватлаш тизимларини мустаҳкамлаш, ижтимоий қамровни кенгайтириш орқали четлатиш хавфини камайтириш мумкин. Тадқиқотлар мазкур дафтарларнинг самарадорлигини кўрсатади.

СИСТЕМА «ЖЕЛЕЗНАЯ ТЕТРАДЬ», «ЖЕНСКАЯ ТЕТРАДЬ» И «МОЛОДЁЖНАЯ ТЕТРАДЬ»: ВАЖНЫЙ ФАКТОР СОЦИАЛЬНОЙ ПОДДЕРЖКИ И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ

Холида Султонова

Преподаватель

Ташкентский государственный медицинский университет

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Железная тетрадь, Женская тетрадь, социальная защита.

Аннотация: Системы «Железная тетрадь», «Женская тетрадь» и «Молодёжная тетрадь» позволяют выявлять потребности уязвимых слоёв населения и направлять к ним соответствующие ресурсы при осуществлении социальной поддержки. Исходя из названия статьи, рассмотрены особенности, цели и практические аспекты каждой из этих тетрадей: повышение карьерных навыков на рабочих местах, расширение доступа к таким услугам, как здравоохранение, жильё, образование и социальное библиотечное обслуживание. Борьба с неравенством, укрепление систем информационной и финансовой поддержки, а также расширение социального охвата позволяют снизить риск социальной изоляции. Исследования показывают эффективность данных тетрадей.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган,

ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли қўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди. «Темир дафтар»га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган оилаларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан «Темир дафтар»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

«Темир дафтар»лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлашда манзилли ёндашувни кучайтиришга хизмат қилади. «Ёшлар дафтари»га 18-30 ёшгача бўлган йигит-қизлар киритилса, «Аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган аёллар киритилди. Рўйхатни шакллантиришда ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбари 2020 йилда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Темир дафтар”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўникма ва молиявий қўмак” тамойили асосида янги механизм жорий этилади. Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак. Шу мақсадда келгуси йили маҳаллаларда аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади. Бунда касб-хунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилади, деган эди.

Шунингдек, ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилиши, эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка қўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилиши, пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Шунинг учун келгуси йилдан бошлаб янгича тизим жорий этилади. Унга кўра, вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар оширилади ва бунда 6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилинишини қайд этди.

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозим. Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими бир ой муддатда ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиб, унинг ижроси бўйича ҳар чорақда маҳаллий Кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориши зарур. Бу масала барча раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси ва иш самарасини баҳолайдиган асосий мезонга айланиши керак, дея уқдирган эди.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш, улар билан манзилли ва мақсадли иш олиб боришга доир муҳим ва керакли қадамлар қўйилди. Жумладан, «Темир дафтар» тизими жорий этилганидан 2023 йилга қадар 599 минг 529 та оила ушбу рўйхатга киритилган. Дафтарга киритилган фуқароларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш натижасида 564 минг 612 та оила «Темир дафтар»дан чиқарилган. Ҳозирда «Темир дафтар»да мавжуд 34 минг 917 та оила вакилларига зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда. «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 665 минг 930 нафар аъзосининг бандлиги таъминланган.

Жумладан, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали 25 минг 611 нафар, хунармандчиликни йўлга қўйиш орқали 6 минг 844 нафар аҳоли бандлиги таъминланиб, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 51 минг 998 нафар, ўзини-ўзи банд қилиш йўналишларига 319 минг 831 нафар фуқаро жалб этилган. Бугунги кунга қадар «Аёллар дафтари» га жами 432 минг 781 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 432 минг 275 нафарига амалий ёрдамлар кўрсатилган. «Аёллар дафтари» тизимининг 1-босқичида 251 минг 363 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз хотин-қизларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашилди. 36 минг 697 нафар боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизларга 27 миллиард 572 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. 29 минг 40 нафар ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизга 21 миллиард 58 миллион сўм моддий ёрдам тўлаб берилган.

Ҳозирда «темир дафтар»лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлашда манзилли ёндашувни кучайтиришга хизмат қилади. «Ёшлар дафтари»га 18-30 ёшгача бўлган йигит-қизлар киритилса, «аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган аёллар киритилади. Рўйхатни шакллантиришда ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яна рақамларга мурожаат этган ҳолда ушбу масалани Тошкент шаҳри мисолида таҳлил қилсак, Тошкент шаҳри бўйича хотин-қизлар “Аёллар дафтари”, ёшлар “Ёшлар дафтари”, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари учун “Темир дафтар” тизими жорий этилди. 2021 йил 25 декабрда имзоланган Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, тижорат банклари ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда моддий ёрдам учун тарқатиладиган маблағларнинг нақд пул кўринишида ўз вақтида ва тўлиқ ҳолда тарқатилиши таъминланди. Ушбу пуллар Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги тегишли қарори асосида ажратилган бўлиб, ҳужжатга мувофиқ 2021 йилнинг декабр ойида аҳолининг қуйидаги қатламларига кирувчи оилаларга 800 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланди:

- 2021 йил давомида «темир дафтар» рўйхатида бўлган оилаларга;

- 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бор боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларга;

18 ёшгача болалар учун ногиронлик нафақасини олувчи оилаларга . Рақамларга кўра биргина Янги ҳаёт туманида “Ёшлар дафтари” бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилиб, унга 1 689 нафар ёш киритилган бўлиб, айти пайтда улардан 1 295 нафарининг бандлиги таъминлангани ҳам таъкидланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги қарори ижроси юзасидан Янгиҳаёт тумани ҳокимининг қарорига мувофиқ “Ёшлар дафтари жамғармаси” тузилди. Унга кўра, ўтган давр мобайнида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг 20 нафарига бир марталик, жами 19 млн 600 минг сўм моддий ёрдам; 8 нафар ёшга даволаниши учун 52 млн 492 минг сўм; 7 нафар ёшларга олий ўқув юртининг шартнома тўлови учун 17 млн 590 минг 748 сўм; 2 нафар ёшга нотузар жой ижараси учун 2 млн 960 минг сўм; 10 нафар ёшга асбоб-ускуна олиб бериш учун 9 млн 800 минг сўм, жами 102 млн 442 минг 748 сўм ажратилган. Бундан ташқари, тумандаги 499 нафар ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминланганлиги эътиборга моликдир.

2021 йилги маълумотларга кўра маҳаллалар кўмагида Тошкент шаҳри бўйича 16537 нафар хотин-қизлар “Аёллар дафтари”, 85567 нафар ёшлар “Ёшлар дафтари”, 60855 оила “Темир дафтар” га киритилиб уларга моддий ёрдам, имтиёзли кредитлар бериш, бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтириш бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Натижада 38129 оила “Темир дафтардан” чиқарилиб, 42619 нафар шахсларнинг бандлиги таъминланди .

Мамлакатда камбағалликни қисқартиришда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Унга кўра мазкур лавозим эгалари маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашиш учун

устувор равишда маҳалладаги муафакиятга эришган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолиятни олиб боришлари белгиланди.

Бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири — кичик бизнес корхоналари сонини кўпайтириш, хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашдир. Яъни, камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотлардан яна бири-бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4804-сонли «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда асосан кўзда тутилган мақсад камбағал ва ишсиз инсонларни касбга йўналтириш, уларга қисқа муддатлар касбий кўникмаларини шакллантириш учун мономарказларда таълим беришдир.

Ўзбекистон Президенти ўзининг Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади. Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат.

Биринчидан, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этамиз. Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак – камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш керак. Нима учун биз “темир дафтар”ни жорий этдик? Бундан мақсад – эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда, улар билан манзилли ишлашни ташкил этишдир. Келгуси йилдан тўлиқ ишга тушадиган “Ижтимоий реестр”да “Темир дафтар”даги барча маълумотлар қамраб оlinиб, эҳтиёжманд oilаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади, дея уқдирган эди давлатимиз раҳбари.

Биринчи навбатда, камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлашимиз лозим. Бу масалада халқаро экспертлар билан чуқур таҳлил асосидаги ҳисоб-китоблар якунига етказилмоқда. Келгуси йил 1 мартдан бошлаб аҳолининг минимал истеъмол харажатлари миқдори эълон қилинади, деган эди.

Аҳоли турмуш тарзига оид қатор муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхоналари”, “Виртуал қабулхоналари” ташкил

этилгани бежиз эмас. 2016 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этди. Унда қайд этилишича, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимининг сифат жиҳатдан янги моделини жорий этиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган .

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга тушди. 2011 йилгача мазкур секторда умумий иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан кўпроғи меҳнат қилган бўлса, Меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра 2016 йилда Бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганларнинг 93,2 фоизи ишга жойлаштирилган . 2017 йилда эса республика бўйича 789,5 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлсада , бу борада ҳали ечимини қутаётган муаммолар мавжудлиги Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” номли рисолада ўз аксини топди. Унда қайд этилишича юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, 2016 йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмийчилик билан боғлиқ .

Шунингдек, янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш; кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш белгиланди. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш белгиланганлиги аҳамиятга моликдир. Стратегиянинг 53- мақсади: Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш. Аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш белгиланган.

Шунингдек, мажбурий ижтимоий кафолатлар бўйича қонунчиликни тизимлаштириш ва такомиллаштириш, белгиланган ижтимоий ҳимоянинг қатъий таъминланишини назорат

қилиш, мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнига очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш белгиланган. Айниқса, ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча эҳтиёжманд аҳолининг камида 85 фоизини ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва аҳоли қатламларига, шунингдек, вақтинчалик оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга тўғридан-тўғри давлат ижтимоий ёрдамини кўрсатишга устувор аҳамият қаратилган.

Агар ушбу масалани дунё мамлакатлари билан таққослаганда Ривожланаётган мамлакатларда кам ривожланганлик ва қашшоқликнинг мавжудлиги сабаблари мамлакатлар жуда фарқ қилади. Бир нечта ички ва ташқи шароитлар. Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда замонавий ишлаб чиқариш табиатан паст ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш зарур инвестициялар етишмаслиги билан чекланади. Иккинчидан, мавжуд таълим тизими бунга қодир эмас миллий иқтисодиётни малакали кадрлар билан таъминлаш муаммоси мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kholikova, R. E., Narkulov, D. T., Abilov, U. M., Khudoykulov, A. B., Karimov, N. R., Iskandarov, S. A., ... & Niyozova, N. S. (2023). Impact of Renaissances in The History of Uzbekistan And Causative Factors of The Third Renaissance. *Journal of Law and Sustainable Development*, 11(12), e2518-e2518.
2. Iskandarov, S. A. (2023). HISTORIOGRAPHY OF THE LIFESTYLE AND ETHNOCULTURAL PROCESSES OF THE UZBEKS OF THE KASHKADARYA OASIS. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 3(10), 71-76.
3. Искандаров, Ш. А. (2023). Abu Rayhon Byeruniyning asarlarida zardushtiylik bilan bog'liq qarashlar (Doctoral dissertation, Xalq tabobati: tarixi, yutuqlar, istiqbollar).
4. Искандаров, Ш. (2021). О 'ZBEKISTONDA IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH VA LIBERALLASHTIRISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.
5. Искандаров, Ш. (2013). Ўзбекистон арабларининг этник ўзликни англашига доир айрим мулохазалар.
6. Abdiganievich, I. S. Views On Ethnonyms Of Arabics Living In Central Asia. *World Bulletin of Social Sciences*, 20, 90-93.
7. Бўриев, О., & Искандаров, Ш. А. (2023). АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ ЭТНОГРАФИК МЕРОСИ. *Журнал гуманитарных и естественных наук*, (4 [1]), 182-189.